# МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИГА 4 КУН ҚОЛДИ

## БУ — МЕНИНГ БАЙРАМИМ!
## БУ — СЕНИНГ БАЙРАМИНГ!
## БУ — ҲАММАМИЗНИНГ БАЙРАМИМИЗ!




*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

Ҳалқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

27 август, сешанба, 1996 йил

Сотувда эркин нархда. № 172 (1425)


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 август куни Америка Қўшма Штатларининг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотидаги (ЕХҲТ) делегацияси раҳбари Сэм Браунни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЕХҲТдан муносиб ва мустаҳкам ўрин олишида АҚШ ҳукуматининг қўллаб-қувватлаётганини юқори баҳолади. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлар экан, икки мамлакатнинг халқаро ташкилотлар, хусусан, ЕХҲТ доирасидаги ҳамкорлиги ҳам самарали бўлаётганидан мамнуният изҳор этди.

Сэм Браун Ўзбекистон Президентининг шу йил ёзида АҚШга ташрифи жуда сермаҳсул ўтиб, давлатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг равнақ топишида муҳим ўрин тутганини таъкидлади. У АҚШ ҳукумати бу борадаги манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини айтди.

Суҳбат давомида мамлакатларимизнинг икки томонлама ва халқаро ташкилотлар, жумладан, ЕХҲТ доирасидаги ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В. Норов иштирок этди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

***

АҚШнинг ЕХҲТдаги делегацияси раҳбари Сэм Браун Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан ҳам учрашди. Учрашувда икки томонлама ва ЕХҲТ доирасидаги ҳамкорлик, минтақамиздаги вазият билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Сэм Браун Ўзбекистон Адлия вазирлигига ташриф буюриб, музокара ўтказди.

**(ЎзА).**

# ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК – ҲАЁТИМИЗНИНГ ТАМАЛ ТОШИДИР

ИЛГАРИ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ 23 АВГУСТ КУНИ ҚОЗОҒИСТОН ПОЙТАХТИ АЛМАТИДА БЎЛДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИ ДАВЛАТЛАРАРО КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДА ҲАМДА АТОҚЛИ ҚОЗОҚ ОҚИНИ ЖАМБУЛ ЖАБАЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 150 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАРДА ИШТИРОК ЭТДИ.



Марказий Осиё давлатлари байроқлари билан безатилган Алмати аэропортида Президент Ислом Каримовни Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. Карибжонов, Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Н. Ёқубов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президенти саройида мамлакатимиз раҳбарини Нурсултон Назарбоев қарши олди.

Бу ерда ягона иқтисодий макон барпо этган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгашининг йиғилиши бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, уч қўшни давлат ўртасида ягона иқтисодий макон яратилиши бу мамлакатлар ривожланишида катта омил бўлди. Ҳамкорлик йўлидаги кўплаб сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Ишчи кучи, маблағлар эркин ҳаракатлана бошлади. Корхоналар ўртасида хўжалик алоқалари мустаҳкамланмоқда.

Йиғилишда Президентлар— И. Каримов, Н. Назарбоев, А. Акаев ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасида қардош мамлакатлар ўртасида уч томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Йиғилишда Россия ва Тожикистонни давлатлараро кенгашга кузатувчилар сифатида қабул қилиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Шу муносабат билан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов кенгаш мажлисида иштирок этди. Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси давлатлараро кенгашга кузатувчилар сифатида қабул қилинди.

Томонлар бир-бирларини ўз мамлакатларидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият билан таништирдилар. Марказий Осиё минтақасидаги ҳозирги шароит тўғрисида фикр алмашдилар, халқаро ҳаётнинг ўзаро манфаатли масалаларини муҳокама қилдилар.

Давлатлараро кенгаш ижроия қўмитасининг раиси С. Пирмбетов мазкур кенгаш қабул қилган қарорларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот берди. Президентлар 1996-1998 йилларда ягона иқтисодий маконни шакллантириш борасидаги Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларининг ҳаракат дастурини маъқулладилар. Шунингдек, йиғилишда 1994 йил 8 июлда қабул қилинган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисидаги битимга ўзгартишлар киритилди. Президент Ислом Каримов таклифига кўра, ҳар бир давлат банкнинг низом фондига 1 миллион АҚШ доллари

(Давоми 2-бетда).

## *САМИМИЙ ТАБРИКЛАР*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА



***Президент И. Каримовга энг эзгу тилаклар билан Билл Клинтон***

Муҳтарам Президент жаноблари, Сизни ва Ўзбекистон халқини 1 сентябрь — улуғ байрам — сизларнинг миллий кунингиз билан Америка халқи номидан самимий табриклайман. Бу санани 1996 йилда янада зўр тантана билан байрам қилса арзийди, чунки у Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган куннинг беш йиллигини билдиради ва мамлакатингизнинг ўша пайтдан буён эришган ютуқларини намоён этади.

26 июнь куни Оқ уйдаги учрашувимиз чоғида таъкидлаганимдек, Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг мустақиллигига, демократик ривожланишига, бутун дунё учун очиқ бўлишига ва гуллаб-яшнашига жуда катта аҳамият беради. Биз минтақадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон амалга ошираётган дадил ишларни қўллаб-қувватлаймиз ва барча соҳалардаги ўзаро манфаатларимиз орқали тағин ҳам яқинроқ икки томонлама алоқалар ўрнатилишига умид қиламиз.

Самимий ҳурмат билан,

**УИЛЬЯМ Ж. КЛИНТОН,**
**АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Россия-Ўзбекистон муносабатлари халқларимизнинг тарихий таркиб топган яқинлигини, уларнинг ҳар томонлама алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга интилишини ҳисобга олган ҳолда тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат асосига қурилаётганини мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона шериклик ва ҳамкорликни чуқурлаштириш иқтисодий тараққиётнинг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини мустаҳкамлашнинг, Марказий Осиёда ишончли тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлишига аминман.

Сизга ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Б. ЕЛЬЦИН,**
**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, халқ саломатлигини сақлашга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларидаги қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

**АБДУРАСУЛОВ Содиқжон** — Шаҳрихон туманидаги «Олтин водий» жамоа хўжалиги дончилик бригадаси бошлиғи, Андижон вилояти

**АСАДОВ Мирумар** — Самарқанд махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси таъмирловчиси, Самарқанд вилояти

**КОЧКАРОВА Айшахон** — Наманган вилояти туғруқхонаси бўлим мудири

**КУЧЕРСКИЙ Николай Иванович** — Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металлар ва олтин давлат концерни раиси

**ФАЙЗУЛЛАЕВ Иброҳим** — Денов туманидаги С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Сурхондарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 август.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан фан, маданият, халқ таълими ва бошқа ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Республикада иқтисодиёт ва маданиятни юксалишига, халқ фаровонлигини ошишига, соғлиғини ҳимоялашга, тинчлик ва барқарорлик сақланишига қўшган улкан хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

МУРОДОВ Сарвар — Жиззах шаҳар Беруний номли 22-мактаб-гимназия бош илмий бўлим мудири

РАҲМАТОВА Фароғат — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри.

РАҲИМОВ Иброҳим Абдураҳимович (Иброҳим Раҳим) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Тошкент шаҳри

ХОЖИМАТОВА Мариям Мирзабаевна — Гулистон шаҳар туғруқхонасининг бош врачи,

(Давоми 2-бетда).

## ИСТИҚБОЛЛАР КЎЗГА ТАШЛАНИБ ҚОЛДИ

***Кувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамиятининг меъморчилик-қурилиш ойнаси корхонаси ишга тушди. 26 август куни бу ерда йирик саноат иншоотининг ишга туширилиши муносабати билан тантанали митинг бўлди.***

Унда лойиҳачилар, қурувчилар, машина ускуналарни ўрнатувчилар ва созловчилар, янги корхона ходимлари, вазирликлар, корпорация ва уюшмалар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Митингни Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов очди.

Йиғилганлар олдида сўзга чиққан республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги арафасида бу иншоотнинг ишга туширилиши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Йилига 10 миллион квадрат метр ойна ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур корхонанинг ишга туширилиши — Президентимиз Ислом Каримов томонидан давлатимизнинг жадал ривожланиши, халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш ва аҳолининг фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар дастури вазифаларини бажариш сари қўйилган яна бир муҳим қадам ҳисобланади.

Митингда Ўзбекистон ҳозир МДҲ мамлакатлари орасида йирик қурилишлар суръатини тобора ошириб бораётган яго-

(Давоми 2-бетда).

*Олий Мажлис сессияси олдидан*

## ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 5 йиллиги арафасида — 29 август куни ўз ишини бошлайдиган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Бугунга қадар Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари томонидан олтинчи сессия кун тартибига киритилган масалаларга доир қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар депутатларга ўз вақтида етказиб берилди. Депутатлардан тегишли қўмиталар номига келиб тушган барча таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар ўрганиб чиқилган ҳолда сессияда қилинадиган маърузалар тайёрланди ва маърузачилар белгиланди.

Сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳининг 26 август куни бўлиб ўтган охирги йиғилишида мазкур масалалар хусусида батафсил суҳбатлашиб олинди. Йиғилишни ишчи гуруҳининг раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов олиб борди.

Олий Мажлис депутатлари А. Йўлдошев, Ў. Ҳошимов, Б. Наимов ишчи гуруҳи таркибида тузилган учта кичик гуруҳ томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот бердилар, сессияни уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказиш юзасидан айрим мулоҳазаларини баён этдилар.

Шундан сўнг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан амалга оширилган ишлар ва қўмиталарнинг сессияга тайёрлиги хусусида суҳбатлашиб олинди. Ушбу масала юзасидан Қўмиталар раислари А. Аҳадов, Ў. Ҳошимов, Г. Йўлдошева, И. Кочмарик, қўмита аъзолари Н. Исмоилов, И. Юсупов, М. Икромов, С. Зининнинг ахборотлари тингланди.

Мамлакат парламентининг бу сафарги сессияси ҳар жиҳатдан самарали ўтиши ва депутатлар фаол иш олиб боришлари учун барча шароитлар яратиб берилиши зарурлигига эътибор қаратилди. Ватанимиз Мустақиллигининг беш йиллиги тантаналарига уланиб кетадиган сессия мажлислари сермазмун ва фаоллиги билан ёдда қолмоғи лозим. Бундан ташқари унинг ташкилий жиҳатлари ҳам, пухта тайёргарлик кўрилгани ҳам ҳар дақиқа сезилиб туриши керак. Сессияга ташриф буюраётган депутатлар ва таклиф этилган меҳмонларни кутиб олишдан тортиб, уларга бошқа зарур ташкилий-техник хизматлар кўрсатишгача бўлган барча муаммоларни ҳал қилиш масъулияти эса бутунлай ишчи гуруҳи зиммасида эканлиги алоҳида қайд этилди.

Олтинчи сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишчи гуруҳининг аъзолари сессия уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтади, дейиш учун барча асослар бор, деган фикрни билдирдилар.

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 29 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

**Акмалжон ҚОСИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари**

# ДАВЛАТИМИЗ ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

***1991 йил 31 августда Ўзбекистон парламенти Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида махсус қарор ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилган эди. 1991 йил 1 сентябрь мустақил давлатимиз ҳаётининг биринчи куни бўлиб қолди. Жаҳон харитасида янги давлат — Ўзбекистон мамлакати пайдо бўлди. Бу тарихий воқеага, яъни давлатимиз мустақиллигига яқинда беш йил тўлади.***

Бизнинг не-не авлодларимиз орзу қилган мустақиллик Ватанимиз узра ҳукм сурмоқда. Истиқлол одамларимиз ҳаётига, турмуш тарзига, онгига чуқур кириб бормоқда ҳамда ўз ижобий таъсирини ўтказмоқда. Ватандошларимиз бу улуғ неъматнинг чин маъносини англаб, мамлакатимиз келажагига дадил ишонч билан қарамоқдалар.

Юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигида олиб борилаётган оқилона ички ва ташқи давлат сиёсати шарофати билан Ўзбекистоннинг халқаро обрўси кун сайин ортиб бормоқда, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлмоқда. Яқинда давлатимиз раҳбари Америка Қўшма Штатларига қилган расмий ташриф якунлари бунинг ёрқин далилидир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз жаҳоннинг кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларига тўлақонли аъзо бўлган, дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатлари томонидан тан олинган, 100 га яқин давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, аксарияти билан иқтисодий ҳамкорлик ришталарини боғлаган. Бунинг ҳаммаси ўз навбатида Ўзбекистонга ишончли ҳамкор сифатида қаралишга, шунингдек мамлакатимизга жаҳон давлатлари ишбилармонларининг дадил кириб келишига шароит яратмоқда.

Мустақиллик йиллари мобайнида чет эл мамлакатлари билан биргаликда кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Уларнинг орасида Навоий вилоятидаги олтин ишлаб чиқариш бўйича «Зарафшон-Ньюмонт» корхонаси ҳамда фосфорит заводи, Хоразм вилоятида Германиянинг машҳур «Мерседес» фирмаси иштирокида юк ташувчи машиналар ишлаб чиқариш бўйича завод, Бухоро вилоятида нефтни қайта ишлаш бўйича завод, Муборак шаҳрида газни қайта ишлайдиган завод, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида нефть конларини ўзлаштиришга доир корхоналар бор. Шу йил Андижон вилоятининг Асака шаҳрида «ЎзДЭУ» автомобиль заводининг ишга тушиши халқаро иқтисодий ҳамкорлигимизнинг салмоқли натижаларидан биридир.

Давлатимиз мустақиллигининг беш йиллиги арафасида бўлиб ўтадиган Олий Мажлиснинг бу галги олтинчи сессияси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мазкур сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ушбу гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифалар тақсимланиб, сессияни ташкилий жиҳатдан таъминлаш, сессия материалларини ёритиш, депутатларга техникавий ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш бўйича учта кичик гуруҳ тузилди. Сессияга жиддий тайёргарлик кўрилганлигини шундан ҳам билса бўладики, депутатларга сессияга киритиладиган масалаларга доир ҳужжатлар 10 июндан тарқатила бошланди. Бу эса депутатларимизнинг мазкур ҳужжатларга доир таклиф ва мулоҳазаларини тезкорлик билан ўрганишга ва лойиҳаларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга имкон яратди.

Сессия кун тартибига киритилган масалалар ўз долзарблиги ҳамда муҳимлиги билан тавсифланади. Депутаталаримизнинг муҳокамасига қўйилаётган ҳар бир қонун ҳужжати истиқболга мўлжалланганлиги, иқтисодиётимиз тараққиётини ҳисобга олишга ҳамда давлатчилигимиз ривожига замин яратишга қаратилаётганлиги, шунингдек адолатли демократик давлатни мустаҳкамлашга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Парламентимиз қонунчилик фаолияти билан жиддий шуғулланиши натижасида мусатақил давлатчилигимиз тақдирини белгиловчи муҳим қонунлар яратилди. Айниқса, дастлабки босқичда, яъни янги давлат тузилишининг ҳуқуқий пойдевори қўйилаётган пайтда юксак масъулият талаб этилди. Чунки пойдеворнинг мустаҳкамлигига давлат бинosининг бутлиги ва қудрати боғлиқдир. Бу иш халқимизнинг бой тарихий-маданий меросига, жаҳондаги мустақилликка эришган мамлакатларнинг ижобий тажрибасига таянган ҳолда амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда янгича демократик, ҳуқуқий жамият барпо этиш борасида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ўйлайманки, Олий Мажлиснинг асосий вазифаларидан бири — бу иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда эришган ютуқларни англаган ҳолда ҳамда янги жамият барпо этишда бўлган муаммоларни, амалдаги қонунларимизнинг самарасини ўрганиб, истиқлолимизни, давлатчилигимизни мустаҳкамлашга қаратилган янги қонунлар ишлаб чиқиб, қабул қилишдир.

Айни шундай қонунлардан бири — бу Фуқаролик кодексидир. Хабарингиз бор, ушбу кодекснинг биринчи қисми аввалги сессияларимиздан бирида депутатларимизнинг тасдиғидан ўтган эди. Навбатдаги сессиямизга Фуқаролик кодексининг иккинчи қисми иккинчи ўқишда киритилмоқда. Шуни айтиш керакки, Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси мазкур қонун лойиҳаси устида жиддий иш олиб борди. Бу ишга Олий Мажлис Раиси бевосита раҳбарлик қилганлари, шунингдек ишчи гуруҳда етук ҳуқуқшунос-мутахассислар, манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этгани мазкур қонун лойиҳасини такомилига етказишга шароит яратди. Бу лойиҳа ўз ҳажми (1199-моддадан иборат) ҳамда фуқаролик муносабатларини қамраб олиши жиҳатидан муҳим йирик ҳужжатдир. У бозор шароитида мулкдорлар ўртасидаги муносабатларни ҳам белгилаб беради. Шартнома тузиш, ижарага олиш, олди-сотди, суғурта қилиш, воситачилик, интеллектуал мулк ҳуқуқи, ворислик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик муносабатларига қўллаш масалалари кодекс лойиҳасида атрофлича ва кенг ёритилган.

Шартномаларнинг анъанавий турларидан ташқари корхоналарни сотиш ва ижарага бериш, молиявий ижара (лизинг), пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни молиялаштириш, комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг), мол-мулкни ишончли бошқариш, доимий ва умрбод рента каби илгари юзага келиши мумкин бўлмаган янги турлари Кодекс даражасида биринчи маротаба тартибга солинди.

Иқтисодий муносабатларнинг жадал ривожланиши транспорт экспедицияси, илмий-текшириш, тажриба конструкторлик ва технология ишларига оид шартномавий муносабатлар, ҳақ бараварига хизмат кўрсатиш, банк омонати ва банк ҳисоби шартномалари, кредит шартномаси, топшириқсиз бошқалар манфаатига оид фаолиятни Кодексда мустақил равишда тартибга солишни тақозо этди.

Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясига киритилган масалалар орасида сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам бор. Демократияга хос хусусиятлардан бири бўлмиш фикрлар плюрализми билан бевосита боғлиқ кўппартиялилик жамиятимизда мустаҳкам ўрин олмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, «Миллий тикланиш» партияси, шунингдек «Халқ бирлиги» ҳаракати фаолият кўрсатмоқда. Мазкур партия вакиллари Ўзбекистон олий қонун чиқарувчи органи — парламентига аъзо бўлиб партия манфаатларини ифода этмоқдалар. Бу эса ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига замин яратмоқда.

Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун лойиҳаси жамиятимизда фаолият кўрсатаётган ҳамда келажакда фаолият кўрсатиши мумкин бўлган сиёсий партиялар мавқеини белгилаб беради, уларнинг ўзаро муносабатлари, янгиланаётган жамиятимиздаги тутган ўрнини, вазифа ва ҳуқуқларини кафолатлайди. Ушбу ҳужжатнинг аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли партия вакилларининг таклиф ва истаклари эҳтимоли бўлишини назарда тутиб, мазкур қонун лойиҳаси депутатлар муҳокамасига биринчи ўқишда киритилмоқда. Яъни кенг жамоатчилик танишиб чиқиши учун мазкур қонун лойиҳаси матбуотда эълон қилиниши ҳам кўзда тутилган.

Модомики биз ҳуқуқий-демократик, адолатли давлат қурмоқда эканмиз, қонун устиворлиги ҳаётимизнинг барча соҳаларида таъминланиши лозим. Қонунларга ҳеч ким менсимасдан қарамаслиги керак, аксинча уларга қатъий риоя этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар амалга оширади» деб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида махсус моддасида мустаҳкамлаб қўйилган (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 118-модда). Ҳозирга кунда республика прокуратура органлари ходимлари томонидан бу борада анча ижобий ишлар амалга оширилмоқда, чунончи: иқтисодий ислоҳотларни жорий этишга тўсқинлик қилувчиларга қарши кураш олиб бориш, иқтисодий қонунларга ўзгача, яъни фақат ўз манфаатларини кўзлаб риоя этаётганларни тартибга чақириш, турли хил жиноий гуруҳларни фош этиш, уларни амалдаги қонунларга асосан жавобгарликка тортиш ва шу каби бошқа чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Прокуратура ходимларининг масъулиятини ошириш ҳамда уларнинг тинимсиз хизматини рағбатлантириш мақсадида Олий Мажлисимизнинг навбатдаги сессияси муҳокамасига шу масалага доир қарор лойиҳаси киритилган. Олий Мажлис қарори билан махсус низом тасдиқланиши назарда тутилади. Мазкур ҳужжат прокурор-тергов ходимлари, шунингдек прокуратурага қарашли ўқув, илмий ва бошқа муассасаларнинг ходимлари ўз хизмат вазифаларини виждонан ва намунали бажараётганлиги учун рағбатлантирилишини, шунингдек ўз хизмат вазифаларига, аксинча совуққонлик билан қараётган, ўз касбий маҳорати устида ишламаётган ёхуд прокуратура ходими деган номга доғ туширган прокуратура ходимларига нисбатан интизомий жазо қўллашни ҳам кўзда тутади.

Мустақиллик йиллари мобайнида давлатимиз суд ҳокимиятини шакллантириш масалаларига, шунингдек, суд ислоҳотини ўтказишга ҳам алоҳида эътибор бериб келяпти. Бугунга қадар суд ҳокимияти шаклланди десак ҳеч муболаға бўлмайди. Олий суд, Олий хўжалик суди ва Конституциявий суд таркиблари сайланиб, Конституциямизда белгиланган ўз ваколатларини амалга оширмоқдалар.

Аммо бу борада қилинажак ишлар ҳам кам эмас. Шу боисдан ҳам Президентимиз Олий Мажлиснинг IV сессиясида қилган ўз маърузаларида суд — ҳокимиятнинг учинчи тармоғи эканлигини таъкидлаб ўтиб, халқимиз судга нисбатан ўз муносабатини ўзгартирмоғи лозимлиги ҳақида қайғуриб гапирдилар. Суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини босқичма-босқич такомиллаштириш долзарб вазифалардан биридир. Бу ҳуқуқий асос суд ва судьяларнинг ҳокимиятнинг барча тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунишини таъминлаши лозим.

Ҳуқуқий давлатда барча тортишувларга сабаб бўлган масалалар фақат суд орқали ҳал қилинади. Шунинг учун ҳам одамларимиз судга уларнинг манфаатларини ҳимоя этадиган, адолатни юзага чиқарадиган орган деб қарашлари даркор. Суд қонунга риоя этилишининг ёрқин кафолати бўлиши лозим.

Ушбу масала аҳамият жиҳатидан муҳим эканлигини инобатга олган ҳолда Олий Мажлисимиз Кенгаши бу хусусда алоҳида истиқболли дастур қабул қилди.

Суд ислоҳоти билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда Олий Мажлиснинг олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар — бу Адвокатура ва Нотариат тўғрисидаги қонун лойиҳаларидир. Ҳуқуқий жамиятда ҳар бир фуқаро ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун адвокат ёрдамидан бемалол фойдаланиши учун шароит бўлиши лозим. Албатта, ҳозирги вақтда давлатимиз томонидан бундай шароит яратилгандир. Лекин мавжуд юридик хизмати ўзгараётган ҳаётимиз ҳамда янгича бозор шароитларига мос эмаслиги аён бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам адвокатура ва нотариат тизимларини қайтадан кўриб чиқиш ва ривожлантириш каби фикрлар мазкур қонун лойиҳаларининг яратилишига олиб келди.

Адвокатура тўғрисидаги қонун лойиҳасида адвокатларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари аниқ белгиланади ва уларнинг жамиятдаги роли алоҳида таъкидланган. Бу Қонун яратилгунга қадар фақатгина адвокатлар коллегияси фуқароларга хизмат қилган бўлса, янги қонун лойиҳасида адвокатлар бюроси, уюшмаси ва турли ташкилотлари ташкил этилиши махсус таъкидлаб ўтилган. Олий маълумотли ҳуқуқшунослар Адлия вазирлигидан лицензия олгандан сўнг адвокатлар коллегияси ёки альтернатив ташкилотларга аъзо бўлишлари мумкин. Қонун лойиҳасида адвокатларнинг ҳимояси ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўйлайманки, ушбу Қонун лойиҳалари республикамиздаги барча ҳуқуқшунос-мутахассисларни, манфаатдор вазирлик ва ташкилот раҳбарларини бефарқ қолдирмайди, шунингдек улар ушбу ҳужжатларни такомиллаштиришда иштирок этишига ҳеч қандай шубҳа йўқдир. Чунки мазкур қонун лойиҳалари бир қанча янги, мунозараларга сабаб бўладиган қоидалардан холи эмас. Шунинг учун ҳам ушбу қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг республика матбуотида жамоатчилик фикрини ўрганиш учун эълон қилиниши назарда тутилмоқда.

Ўзбекистонимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омиллари — бу қишлоқда туб ислоҳотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишдир. Ҳақиқий иқтисодий мустақилликка эришиш учун мазкур масалани мумкин қадар тезроқ ва оқилона ҳал этишимиз лозимлиги юртбошимизнинг нутқларида бир неча марта уқтириб ўтилди.

Шу боисдан ҳам қишлоқ ривожи тақдири билан боғлиқ бўлган қонун лойиҳалари моҳияти жиҳатидан диққатга сазовордир. «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси қошида тузилган ишчи гуруҳ томонидан тайёрланди.

«Уруғчилик тўғрисида»ги Қонун биринчи бор қабул қилинмоқда. Илгари бундай Қонун бўлмаган.

Ушбу Қонун қабул қилинса, республикада қишлоқ хўжалик экинларининг уруғчилик базасини яратиш, уни серҳосил ва юқори сифатли уруғлар билан таъминлаш, уруғлик етиштирувчилар ва уруғликдан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий асосда олиб бориш каби мақсадларга эришиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида уруғчилик билан шуғулланувчи мутахассисларнинг вазифалари, уруғлик сифатини аниқлаш, уруғликларни сертификациялаш, импорт ва экспорт қилиш тартиблари, уруғликка доир кафолатлар ва суғурта, уруғлик фондини барпо этиш тартиби белгилаб қўйилган.

Қонун лойиҳасида кўрсатилганидек, республикада уруғчилик масалаларига доир давлат сиёсатини Қишлоқ хўжалик вазирлиги олиб боради. У республикамиз ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларининг нав синови борасидаги ишларига раҳбарлик қилади ва ўз ваколати доирасида бошқа ишларни ҳам бажаради.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар йилги ҳосилни уруғликнинг қанчалик сифатли эканлиги белгилайди. Шундай экан, мазкур қонун лойиҳаси халқимиз ризқи-рўзини ўйлаб яратилган муҳим ҳужжатдир.

Қишлоқ хўжалиги ривожини назарда тутувчи яна бир ҳужжат — селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун лойиҳасидир. Селекция ютуқларини интеллектуал мулк сифатида ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, ўрмончилик ривожи учун лозимдир. Ўзбекистон Республикаси олимлари томонидан яратилган юзлаб, сифат жиҳатидан қўйиладиган талабларга жавоб берадиган ўсимлик янги навлари жаҳон миқёсида тан олинган. Шу билан бирга республика иқтисодиётида вужудга келган туб янги муносабатлар, чет эл мамлакатлари билан ҳамкорликнинг кенгайиб бориши ўсимлик янги навларини яратувчиларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тегишли Қонун ҳужжатлари бўлишини тақозо этмоқда. Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси шундай қонун ҳужжатларидан бири бўлиб, у барча халқаро тамойиллар ва меъёрларга тўла жавоб беради.

Қонунни қабул қилишдан кутиладиган мақсад қуйидагилардан иборат:

республикада селекция ютуқлари базасини яратиш ва уни ҳимоя қилиш;

селекция ютуқларидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш.

Қонун лойиҳасида селекция ютуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий асослари белгилаб берилган. Унга кўра селекция ютуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини Республика Давлат патент идораси амалга ошириши кўрсатилиб ўтилган.

Патент идорасига селекция ютуқларига патентлар ва гувоҳномалар бериш, селекция ютуқлари бўйича расмий экспертиза ўтказиш, давлат реестрини юритиш каби вазифалар юкланган.

Шунингдек, республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги қишлоқ хўжалик экинлари навларини синовдан ўтказиш давлат комиссияси, чорва наслчилиги бўйича бош давлат инспекциясига селекция ютуқларидан хўжаликда фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ва талабномада кўрсатилган селекция ютуқларини ҳимояга лаёқатлилиги экспертизасини ўтказиш ҳуқуқлари берилган.

Қонун лойиҳасида селекция ишлари билан шуғулланувчи селекционерлар, уларнинг ҳуқуқ ва вазифалари аниқ белгиланган.

Селекционерлар яратадиган селекция ютуғининг ҳимояга лаёқатлилик шартлари: янгилик, фарқ қилиш, ўхшашлик ва барқарорлик мезонларидан иборат. Юқорида кўрсатилган мезонларга жавоб бергандагина селекция ютуғи ҳимояга лаёқатли деб тан олинади.

Қонун лойиҳасида патент ва гувоҳномага амал қилиш, уларнинг муддатларини узайтириш шарт ва шароитлари кўрсатиб ўтилган.

Селекция ютуқларининг давлат экспертизаси, талабноманинг расмий экспертизаси, унинг муваққат ҳуқуқий ҳимояси, давлат синови ўтказиш шарт ва муддатлари ҳам белгилаб берилган.

Селекция ютуғи барча синовлардан ўтганидан ва патент идораси патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин селекция ютуғи республика селекция ютуқлари давлат реестрида рўйхатга олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қонун лойиҳасида патент эгасининг ҳуқуқлари белгилаб берилган бўлиб, исталган шахс ҳимоя қилинаётган селекция ютуғининг уруғини, кўчати ёки янги навли маҳсулотни етиштириш, кўпайтириш, экинбоплик кондициясига етказиш, сотиш учун таклиф қилиш, сотиш ва бошқа усулда реализация қилиш, республика ҳудудидан олиб чиқиш ёки олиб кириш учун патент ёки гувоҳнома эгасининг рухсатини олиши шарт деб кўрсатиб қўйилган. Бу патент эгасининг мутлақ ҳуқуқидир.

Қонун лойиҳасида патент ёки гувоҳномани ҳақиқий эмас деб эътироф этиш, унга амал қилишни муддатидан олдин тўхтатиш, бекор қилиш, воз кечиш, селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқага бериш шартлари, муддатлари ва бу масалаларни, кимлар томонидан ҳал қилиниши белгилаб қўйилган.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, илгари селекция ютуғига фақатгина гувоҳнома берилган ва бу ютуқ давлат мулки ҳисобланган бўлса, эндиликда эса у биринчи навбатда селекционернинг ёки илмий текшириш муассасасининг мулки ҳисобланади. Улар ўз навбатида тақдирланади, ўз мулкига Қонунда кўрсатилган шартлар асосида аниқ эгалик қилади.

Бу, сўзсиз, олимларнинг, селекционерларнинг селекция ютуқларини кўпайтиришга, уларни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилишга қизиқишини кучайтиради, уларга кенг имкониятларни очиб беради.

Ўйлайманки, ушбу қонун селекция соҳасидаги олимларимизнинг ҳуқуқларини кафолатлайди, қишлоқ хўжалигида чет эл инвестициялари кўпайишига, чет эл олимлари билан олимларимиз ўртасида ўзаро фойдали ришталарни мустаҳкамлашга кўмак беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш борасида давлат асосий ислоҳотчи вазифасини бажариб келмоқда. Давлат ислоҳотларни ўтказиш жараёнида улар босқичма-босқич амалга оширилишига, қонунларга риоя этилишига, қонун устиворлигига жиддий эътибор қаратмоқда. Барча ислоҳотлар инсон учун — бу давлатнинг асосий шиорига айланган. Шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан ижтимоий масалаларга муҳим аҳамият ва эътибор берилмоқда. Нафақа олувчилар, талабалар, ёш болали оналар, ногиронлар каби ижтимоий жиҳатдан кўмакка муҳтож бўлган қатламлар давлатимиз диққат марказида бўлиб турибди. Президентимизнинг Фармонига биноан биринчи сентябрдан маошлар, пенсия ва стипендиялар ўртача 1,25 марта оширилганлиги юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин далилидр.

Ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатида келажак авлодни соғлом тарбиялаш масаласига жиддий эътибор бериб келиняпти. Саломатлик бор жойда ишда унум, ҳаётда тинчлик-тотувлик, санъатда гўзаллик, меҳру-вафо, очиқ чеҳра, самимият бўлади.

Одамлар соғлиғи ҳақида қайғуриш кеча ё бугун кашф этилган тушунча эмас. Бу инсон пайдо бўлган кундан бошланганлиги сир эмас. Бугунги кунда инсон саломатлиги барча зарурларнинг ҳам зарури бўлиб қолди. Бу масала фақатгина шифокорларнинг ёки раҳбарларнинг эмас, балки барчанинг доимий ишига айланганлиги ҳар қадамда сезилаётир.

Республикамизда соғлом авлод учун ҳаракат фаол олиб борилмоқда. Президентимиз Фармони билан махсус давлат мукофоти, «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилиши, шу ном билан аталувчи жамғарманинг фаолият кўрсатиши бунинг далилидир. Шу билан бирга фойдаланилмаган имкониятларимиз ҳали кўп.

Шу жиҳатдан Олий Мажлисимизнинг олтинчи сессиясига, депутатларимизнинг муҳокамасига киритилган Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси диққатга сазовордир. Мазкур қонун лойиҳаси устида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси бир неча ойлар давомида иш олиб борди. Етакчи мутахассислар, шифокорлар, республикадаги тегишли вазирлик ҳамда ташкилотларнинг вакиллари фаол иштирок этганлиги иш самарали бўлишига замин яратди.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасида биринчи маротаба соғлиқни сақлаш тизимини давлат бюджетидан ташқари маблағ билан таъминлашнинг янги механизмларидан фойдаланиш, шунингдек хусусий ва соғлиқни сақлаш бошқа тизимиларини ривожлантириш, халқ табибларининг имкониятларини ишга солиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга тиббий ёрдам сифати андозаларини ишлаб чиқиш, тиббий муассасаларни аккредитациядан ўтказиш ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам турларини лицензиялаш масалалари қонун доирасида ўз аксини топган.

Ҳар бир фуқарога ўзи учун мақбул бўлган шифокорни ва даволаш муассасасини танлаш ҳуқуқи кафолатланади, шунингдек оилавий шифокор институти жорий этилиши назарда тутилади. Ҳар бир фуқаронинг соғлиғини мажбурий ва кўнгилли равишда суғурталашни жорий этиш ҳам мўлжалланмоқда. Бунинг натижасида фуқаролар ўз саломатлигини сақлашда, соғлиқни сақлаш муассасалари кадрлардан ва материал ресурслардан оқилона фойдаланишда, рақобат, бозор шароитларида сифатли тиббий ёрдам олишда, корхоналар эса соғлом иш кучи мавжудлигида иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўладилар. Қонун лойиҳасида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини назорат қилиш механизми ҳамда тиббий ва фармацевтик касаба уюшмалари тўғрисидаги модда ҳам ўрин олган.

Ўйлайманки, ушбу қонун лойиҳаси истиқболга мўлжалланган бўлиб, аҳоли соғлиғини сақлаш тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Истиқлол ўзбек халқининг маънавий қадриятларини, қадимги урф-одатларини тиклашга, уларни ривожлантиришга кўмак берди. Ўзбек тили давлат тили расмий мақомига эга бўлди. Наврўз, Қурбон ҳайити, Рамазон ҳайити каби байрамлар нишонлана бошланди.

Тарихга, ўтмишга янгича назар ташлаб, ўзбек халқининг бой маданий меросини қайтадан ўрганишга, буюк адиб ва сиймоларнинг номларини тиклашга, шунингдек, уларнинг ижоди ва фаолияти намунасида келажак авлодни тарбиялаш мақсад қилиб белгиланди.

Бизнинг Туркистон заминимизда Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Ал-Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Қошғарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк сиймолар яшаб ўтган. Бой, мазмунли, минг-минг йиллик ўтмишимиз келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори, таянчи бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган энг катта ютуқларидан бири маънавият мустақиллиги бўлди.

Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон каби қатағон бўлган адибларимизнинг интилиши, фаолияти халқни озод, эркин кўришга йўналтирилган эди. Мустақилликдан сўнг уларнинг номлари қайта тикланди. Уларнинг бебаҳо асарлари қайта нашр этилиб, маданий меросимиз сифатида ўрганилмоқда.

Шу ўринда сессияда кўриб чиқилиши мўлжалланаётган ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳаси айни муддаодир. Модомики, республикамиз жаҳон ҳамжамиятига кирар экан, бошқа соҳалар каби ноширлик фаолиятида ҳам монополия бўлмаслиги, китоб яратиш, чоп этиш ва тарқатишда бозор иқтисоди талабларидан келиб чиқилиши лозим.

Лойиҳада ноширлик фаолиятининг эркинлиги, ношир ҳам нашриёт, ҳам матбаа фаолияти, ҳам китобни тарқатиш бўйича ўзи шуғулланиши мумкинлигининг қонуний асослари белгиланган. Айни пайтда бу соҳада фаолият кўрсатувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг масъулияти ҳам асосланган. Ношир мақоми, рўйхатдан ўтиш тартиби, муассис ва ҳаммуассислар мақоми, муаллифлар билан муносабат қоидалари, матбаа маҳсулотини тарқатиш тартиби ўз ифодасини топган.

Ушбу қонун лойиҳасида ноширлик соҳасида фаолият кўрсатаётганлар ҳамда шу соҳа билан боғлиқ бўлган ижодкорлар ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилади.

Ёзувчи, шоир ва олимлар, ихтирочилар қизиққан яна бир муҳим қонун лойиҳаси депутатларимиз муҳокамасига киритилгандир. Бу Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси.

Қонун лойиҳаси жаҳон андозаларига мос бўлиб, ВОИС (Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти), шунингдек Берн, Женева, Рим, Брюссель конвенциялари талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган. Маълумки, Ўзбекистон ВОИС аъзосидир. Мазкур қонун қабул қилинса, республикамиз юқорида тилга олинган халқаро конвенцияларга қўшилиши учун асос яратилади.

Мазкур қонун лойиҳалари ижодкорларимизга янада қулай шарт-шароит яратиш ниятида ишлаб чиқилган бўлиб, матбаа соҳаси ходимларининг манфаатларини, шунингдек фуқароларимизнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини белгилаб беради.

Ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири — бу мавжуд жой номларини тартибга солишдир. Бу борада анча сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Тошкентнинг ўзида истиқлол йиллари мобайнида Мустақиллик майдони, Амир Темур хиёбони, Алишер Навоий номидаги миллий боғ, Истиқлол кўчаси каби кўплаб янги-янги жой, кўча, хиёбон номлари пайдо бўлганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Лекин бу ишда ҳам камчиликлар ва хатоларга йўл қўйилмоқда: ёнма-ён жойлашган топонимик объектларнинг бир хил номланиши, айрим туманларда эскича номлар ҳанузгача сақланиб қолганлиги, аксарият ҳолларда кўчаларга киши номини бериш кўпайганлиги ва бошқалар.

Шу боисдан ҳам Президентимиз Фармони билан шу йил Вазирлар Маҳкамаси қошида махсус республика топонимик комиссияси ташкил этилиб, унга ушбу масалага доир аниқ ваколатлар берилди. Ушбу муаммо муҳимлигини инобатга олиб, Олий Мажлиснинг олтинчи сессияси кун тартибига Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қонун лойиҳаси киритилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни чет эл инвестицияларидан фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. Шу жиҳатдан депутатларимиз муҳокамасига киритилаётган Хорижий маблағларни жалб қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси айни муддаодир.

Хориждан маблағларни жалб қилиш тўғрисидаги қонун иқтисодиётимиз ривожига қаратилган муҳим ҳужжат бўлиб, унда хориждан маблағларни жалб этиш механизми ўз аксини топган. Давлат томонидан ҳамда резидент орқали хориждан маблағларни жалб этиш фарқи, бунинг натижасида юзага келадиган кредит олувчи ва кредит берувчиларнинг мажбуриятлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари ҳамда Марказий банкнинг ваколатлари қонун лойтиҳасида атрофлича ёритилган.

Қонун лойиҳасида айтилганидек, давлатнинг ташқи қарзи бўйича қарз мажбуриятлари юзасидан тўловларни бажариш учун кафолат жамғармаси таъсис этилади. Кафолат жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўйлайманки, мазкур ҳужжат чет эл ишбилармонлари учун амалий кафолатлар яратади, шунингдек уларнинг иқтисодиётимиздаги ҳиссасини янада оширади.

Сессия кун тартибига Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Бухгалтерия ҳисоби ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларимизнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун мулкчилик шаклларидан қатъи назар барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги ҳисобни тартибга солишда ягона давлат тартибини таъминлайди, бухгалтерия ҳисобини юритиш андозаларига талабларни белгилайди ҳамда республикада бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишда замин бўладиган асосий принципларни назарда тутади. Бундан ташқари, қонун бухгалтерия соҳасидаги ҳуқуқий асосларни, мақсад ва вазифаларни, мажбурият ва жавобгарликни, бухгалтерия ҳисоби принципларини, шунингдек, молиявий ҳисоботни тузиш ва эълон қилишга қўйиладиган талабларни белгилайди.

Бухгалтерия ҳисоби давлат томонидан тартибга солиниши бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг умумий эътироф этилган халқаро андозалари талабларига жавоб берадиган ягона тизимни яратишга йўналтирилган.

Юртбошимиз айтганларидек, «Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир». Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларимизнинг ватанпарварлиги бизнинг давлатимиз юксалишига кўмак беради. Шунинг учун ҳам келажак авлодимизни муқаддас Ватанни ҳурмат қилиш, севиш ва эъзозлаш руҳида тарбиялаш бизнинг вазифамиздир.

Фуқароларимизда ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатларни тарбиялашда, шунингдек уларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, халқ хўжалиги, фан ва маданиятни юксалтириш ишига қўшган ҳиссалари учун рағбатлантиришда давлат мукофотларининг роли ниҳоятда каттадир. Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг ўз орден ва медаллари яратилди: «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони ва шу мукофотга доир «Олтин Юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Амир Темур», «Дўстлик» ва «Соғлом авлод учун» орденлари, «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари.

Навбатдаги сессияга депутатларимиз муҳокамасига Президентимиз ташаббуси ва ғоялари асосида яратилган «Буюк хизматлари учун» орденининг лойиҳаси киритилмоқда. Мазкур орден билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фан ва техникани, иқтисодиёт ва маданиятни ривожлантиришдаги катта хизматлари, давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишга қаратилган ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш ишига сезиларли ҳисса қўшганлиги учун тақдирланиши кўзда тутилган. Ушбу орден билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин эканлиги орденга оид низом лойиҳасида акс эттирилган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси, республикамизнинг айрим қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб топиш, Консуллик устави, Ўзбекистон имзо чеккан бир неча икки томонлама битимларни ратификация қилиш, Ўзбекистон Республикасининг айрим халқаро конвенцияларга қўшилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини, Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги, шунингдек Олий Мажлиснинг ваколатига кирувчи яна бир қанча масалалар депутатларимиз муҳокамасига киритилмоқда.

Юқорида айтилганларга якун ясаб шуни таъкидлаш жоизки, Олий Мажлиснинг ҳар бир сессиясига киритилаётган масалалар ўз аҳамияти ва моҳияти жиҳатидан мамлакатимиз келажак тақдирини белгиловчи муҳим ҳужжатлардир. Мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарорлик, Президент бошчилигидаги ижро ҳокимиятининг парламентимиз билан бирга иноқ, қўлни қўлга бериб ишлаётгани шунча муҳим масалалар битта сессия кун тартибига киритилиб ҳал этилишига замин яратмоқда.

Яқинда журналистлар билан бўлиб ўтган мулоқотда Президентимиз юртимизда юз бераётган демократик, сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар жараёни орқага қайтмайдиган бўлиб, муқаррар тус олганлигини таъкидлаб ўтдилар. Жамиятимиз, халқимиз бу ислоҳотларни, ўзгаришларни қизғин қўллаб-қувватлаяпти. Ўзбекистон фуқаролари озод ватанда озод яшаш мақсадида белни маҳкам бойлаб, ўзини аямасдан меҳнат қиляпти ва катта умид билан яшаяпти.

Шунинг учун иқтисодий ислоҳотлар қай йўсинда бориши уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши даражасига бевосита боғлиқдир. Бу айниқса, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган республикамиз учун жуда ҳам муҳим аҳамиятта эгадир. Чунки Президентимиз И. А. Каримов айтиб ўтганларидек, «Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устивор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди».

Шундан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис сессияларида қабул қилинган қонунларни ҳаётта татбиқ этишда нафақат Олий Мажлис депутатларининг, балки маҳаллий Кенгаш депутатларининг имкониятларидан кенг фойдаланишимиз лозим. Ҳар бир депутат ўзининг сайлов округида Олий Мажлис сессияси материаллари юзасидан махсус учрашувлар ўтказиб давлатимиз қонун ҳужжатларини ривожлантириш ҳамда янги қонунлар яратиш борасидаги қилинган ва қилинаётган ишлар тўғрисида, шунингдек қабул қилинган қонунларнинг моҳияти ва ҳаётимиздаги мавқеи ҳақида тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб бориши лозим. Бу ҳар бир халқ ноибининг масъулиятли бурчидир.

Эркинлик ва ҳурфикрлик жамиятимизда мустаҳкам ўрин олиши учун фақаттина жамият ва ҳукуматнинг ташқи қиёфасини ўзгартириш эмас, балки субъектив даражада ҳам ислоҳ қилиш лозимдир. Одамларимиз юқоридан кўрсатмалар кутадиган пассив субъектлардан эркин жамиятда ўз ҳуқуқларига эга масъулиятли фуқароларга айланиши зарур. Бошқача қилиб айтганда, одамлар маълум кучга эга бўла бошлади. Жамиятда шундай субъектив ўзгариш юз бергандагина демократиянинг механизмлари самарали амал қилиши мумкин.

Фуқаролик ҳаётининг умумий амалиёти ва бойликлар мажмуаси мавжудки, уни биз бир авлоддан иккинчи авлодга ўтказишимиз, яъни келажак авлодимиз хусусида қайғуришимиз лозим. Фақат шундагина биз эришаётган демократиямиз ҳаётий илдизларга эга бўлади.

Ишончим комилки, парламентимиз давлатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш йўлида дадил қадамлар ташлаб, истиқбол ишига ўз ҳиссасини қўшаверади. Истиқлолни ҳимоялаш, мустақил давлатимиз равнақ топиши ва унга хизмат қилиш борасида танлаган йўлимиздан бизни ҳеч қандай куч қайтаролмайди, қаддимизни буколмайди.

